



Мақтабларда таълим сифатини ошириш, ўқувчи ўрнини кўпайтириш ва ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида Президентимиз муҳим вазифаларни белгилаб берган эди.

"Янги Ўзбекистон - мактаб оstonасидан бошланади", деган эзгу ғоя асосида бу соҳада катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда юзлаб замонавий мактаблар барпо этилди. Президент мактаблари, ижод мактаблари ҳаётимизга кириб келди, ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи кенгайтирилди. Янги дарсликлар ва ўқув қўлланмалари яратилди. Ўқитувчи ва мураббийларнинг меҳнат шaroитларини яхшилаш, малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўтган даврда муаллимларнинг ойлик иш ҳақи ўртача 2,5 баравар ошди.

Жумладан, чет тили, ахборот технологиялари, математика, кимё, биология бўйича миллий ва халқаро сертификати бор ўқитувчиларга устама, чекка ҳудудга бориб ишлаган муаллимларга алоҳида тўлов жорий этилди.

Мақтаблар юкмасини камайтириш мақсадида 700 минг ўқувчи ўрни яратилди. Бу - аввалги йилларга нисбатан 15 баравар кўп. Олий таълимда ҳам қамров 4 баробар оширилиб, ёшлар учун имкониятлар кенгайтирилди.

Муборак туманида ҳам янги тахрирдаги "Таълим тўғрисида" - ги Қонун, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси, Халқ таълими тизимини ислоҳ қилиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент Фармойишида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида мамлакатимизнинг эртанги тақдирини белгилаб берадиган ёшларимизнинг ҳаёт-мамотини ҳал қиладиган таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлаш, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратини узлуксиз ошириб бориш, таълим мазмунини такомиллаштириш масалаларида тизимли ишлар амалга оширилди. Шунингдек, туманда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар юзасидан туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими ва умумтаълим мактабларида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилганини кўришимиз мумкин.

Муборак туманида давлат тасарруфида бўлган 33 та умумтаълим мактаблари, 19 та мактабгача таълим ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Бошланаётган 2023-2024 ўқув йилидан умумтаълим мактаблари сони 34 тага етказилди.

Бундан ташқари Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимида 1 та ихтисослаштирилган мактаб мавжуд ва 340 нафар ўқувчилар тахсил олмақда.

Педагоглар сони 1483 нафарни ташкил этади. Педагогларнинг тоифаси бўйича кўриладиган бўлса 103 нафари (6,9 %) олий, 234 нафари (15,7 %) биринчи, 334 нафари (22,5 %) иккинчи малака тоифасига эга, 360 нафари (24,2

%) мутахассис педагоглардир. Шунингдек, тумандаги жами 97 нафар чет тили фани ўқитувчиларининг 43 нафари (44%) ҳамда нафардан ортиқ ўқувчилар халқаро ва миллий даражадаги сертификатларни қўлга киритдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танлови тумандаги 5-умумтаълим мактабида ташкил этилиб кўтаринки руҳда ўтказилди ва 1-ўринни 1-умумтаълим мактаб жамоаси (100 миллион сўм), 2-ўринни 28-умумтаълим мактаб жамоаси (75 миллион сўм), 3-ўринни 9-умумтаълим мактаб жамоаси (50 миллион сўм) эгаллади ва вилоят босқичида тумандаги 1-умумтаълим мактаб жамоаси фаол иштирок этиб, вилоятда 1-ўринни эгаллади ва 250 миллион сўм пул билан тақдирланди. Муборак туман 1-умумтаълим мактаб жамоаси вилоятдан "Хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактаб" танловида биринчи ўринни олиб, Республика босқичида фаол иштирок этиб, 5-ўринни эгаллаб, хорижга (Лондон) саёҳатига бориб келишди.

Асосий фан олимпиадасида туман босқичи ўтказилди ва вилоят босқичига 94 нафар ўқувчиларимиз қатнашди ва 16 нафар ўқувчилар 1-5 ўринларни қўлга киритишди. Тарих фанидан 4-умумтаълим мактаб 11-синф ўқувчиси Нилуфар Саъдуллаева Республика босқичида иштирок этади.

Умумтаълим мактабларида информатика ва ахборот технологиялари фанини ўқитилиши орқали рақамли технологияларни ҳам ривожлантиришда алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2023 йилнинг 10 август ҳолатида мазкур йўналишда Бир миллион дастурчи лойиҳасида 5800 нафардан зиёд ўқувчилар сертификат олишди ва 37 нафар ўқитувчилар ИТ йўналишидаги халқаро даражадаги сертификатларни қўлга киритишди.

2023-2024 ўқув йилида бугунги ҳолат бўйича 16541 нафар ўқувчилар тахсил олмақда. Шундан 2023-2024 ўқув йилида 1-синфга жами 1886 минг нафар болалар қамраб олинди ва Президент со-вғалари етказилди. Уйда таълим

олаётган ўқувчилар 2023-2024 ўқув йилида 80 нафар ўқувчи бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўқитувчи бириктирилган ва ўқув қуроллари, стол-стул ва доскалар берилган.

Янги ўқув йилидан бошлаб Умумтаълим мактабларини ўқув-

яхши тарбиячи" номинацияси бўйича 1-ўринни эгаллаб Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди. Республика босқичида 1-ДМТТ тарбиячиси Гулмира Негматова "Энг яхши маънавий камолотга етакловчи тарбиячи" но-

лан ҳамкорлик йўлга қўйилиб, доимий экскурсиялар ташкил этиб келинмоқда.

Шу кунга қадар тумандаги мактабгача ва мактаб таълим бўлимига қарашли таълим муассасаларига жами 1064 тонна ма-

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДАГИ ЮТУҚЛАР



чилар учун чинакам "Ҳаёт мактаби"га айлантириш ҳамда таълимни янги босқичга олиб чиқиш мақсадида вилоятимизда ҳам 2023-2024 янги ўқув йилидан бошлаб ўқувчиларни иккита хорижий тил (Немис тили) ва (Тикувчилик, Дурадгорлик, Компьютер оператори) касбга ўқитиш бўйича ҳар бир туман (шаҳар)дан 3 тадан жами 7-13-34-умумтаълим мактаблари танлаб олиниб ташкил этилган.

Бугунги кунда туманимизда 19 та давлат, 7 та давлат-хусусий шерикчилиги асосида (ДХШ), 55 та оилавий нодавлат, жами 81 та мактабгача таълим ташкилотлари (МТТ) фаолияти йўлга қўйилган.

Туманда 3-7 ёшдаги болалар сони 7693 нафарни ташкил қилиб, уларнинг 5262 нафари (68,0%) мактабгача таълим билан қамраб олинган.

"Муассаса спорти" фестивали, мини-футбол, бадминтон, стритбол ва "Workout" спорт турлари бўйича "Муассаса биринчилиги" тадбирининг вилоят босқичида шахмат бўйича Муборак тумани 1-ДМТТ 1-ўринни эгаллаб, Республика босқичига йўлланмани қўлга киритди.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларининг тарбияланувчилари ўртасида "Гимнастикага илк қадам" мусобақаси ташкил этилди. Мусобақага 5-7 ёшгача бўлган болалар жалб этилди. 1-ДМТТ тарбияланувчилари вилоят босқичида 1-ўринни эгаллади.

"Йилнинг энг яхши тарбиячиси-2023" касбий кўрик-танлови вилоят босқичида 1-ДМТТ тарбиячиси Гулмира Негматова "Энг яхши маънавий камолотга етакловчи тарбиячи" номинацияси бўйича 1-ўринни, 5-ДМТТ тарбиячиси Азиза Мурадова "Энг яхши ижодкор-ихтирочи тарбиячи" номинацияси бўйича 1-ўринни, 11-ДМТТ тарбиячиси Феруза Сатторова "Инновацион ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг

минацияси бўйича 2-ўринни эгаллаб, 8 миллион сўмлик пул мукофоти ва Олий таълим муассасига кириш учун Давлат гранди соҳибасига айланди.

Тумандаги 1 та "Баркамол авлод" болалар мактабидаги 16 та тўғарақларга 376 нафар ўқувчилар қамраб олинган.

Мавжуд 34 та умумий ўрта таълим мактабларида 5 та муҳим ташаббус штаблари фаолияти изчил йўлга қўйилган. Унга асосан синфлар кесимида 5 та муҳим ташаббус бўйича 769 та тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда. Мазкур умумий ўрта таълим мактаблари туман секторлари кесимидаги умумий 769 та тўғарақларга 12125 нафар ўқувчилар жалб қилиниб, шулардан мусика ва санъат йўналишига 2645 нафар, спорт йўналишига 3795 нафар, компьютер йўналиши бўйича 1756 нафар, китобхонлик йўналишида 3156 нафар ўқувчиларга машғулотлар изчил давом эттирилмоқда. 2023 йил давомида туман миқёсида 4-5-7-10-13-21-33-умумтаълим мактабларида кенгайтирилган беш ташаббус тадбирлари ташкил этилди.

Ўқувчиларни касбга тайёрлаш туманнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишидан келиб чиқиб, узлуксиз касбий таълим тизими орқали малака ошириш ишлари йил давомида режа асосида ташкил этилиб, бажариб борилмоқда. Барча мактаблар ўз ҳудудига яқин корхона, завод, фабрика, касб хунаар мактаби ва ишлаб чиқариш муассасаларига бириктирилиб, ўқувчилар дарсдан бўш пайтларида "Устоз шогирд" анъанасига кўра иш ўрганиб келмоқда. Муборак газни қайта ишлаш заводи, Муборак нефт ва газни қазиб чиқариш корхонаси, Муборак "Касбхунаар мактаби", Муборак Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, Туман тиббиёт бирлашмаси, тумандаги банклар ва бошқа ташкилотлар би-

ҳаллий кўмир ёқилғиси етказиб берилди ва "Exclusive medio pharm" МЧЖ нинг базасида 960 тонна маҳаллий кўмир ёқилғиси жамғариб қўйилган.

2023-2024 ўқув йили куз-қиш мавсумига тайёргалик, барча мактаблар ва мактабгача таълим ташкилотларида "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси бўйича 12 мингдан ортиқ манзарали, мевали дарахтлар экилди ва таълим муассасаси ҳудудини ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

2024 йилдан бошлаб Ихтисослаштирилган мактаблар баҳолаш тизими тумандаги 4-7-9-12-умумтаълим мактабларда ташкил этилиб, шу мактаблар аккредитациядан ўтса барча ходимларига 40% дан устама тўланади.

2023-2024 ўқув йили қишки таътилда 7-8 синф ўқувчиларига Ал Хоразмий ҳамда вилоят ҳокими олимпиадаси ўтказилади.

2024 йил ўқитувчи педагогларни тоифаларини ошириш бўйича Аттестацияга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда ва 15 та онлайн гуруҳлар ташкил қилиниб, Таҳрибали олий тоифали ўқитувчиларга ўз фани бўйича тоифасиз ўқитувчиларга тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда.

Хорижий тилларни сертификатини олиш бўйича вилоятда 3-ўринда бўлиб, Муборак таҳрибаси вилоят миқёсида оммалашиб, 2024 йил май ойини охиригача Хорижий тил ўқитувчиларини сертификат олишларини 100% га етказиш кўзда тутилган.

2024 йил учун Давлат дастури асосида 6-30-умумий ўрта таълим мактабига қўшимча 330 ўринли ўқув биноси қуриш режалаштирилган.

2024 йил битирувчи ўқувчиларга ОТМга тайёргарлик қуриши учун ҳар бир мактабларда штаблар тузилиб, ўқувчиларни тайёрлаб борилмоқда ва ойма-ой ўқувчиларнинг билим даражалари таҳлил қилинмоқда. ОТМга кириш кўрсатигичини 50 % дан ошириш режалаштирилган.

Ютуқларимиз билан доимо фахрланамиз. Янги 2024 йилда бажарилиши керак бўлган ишларимиз ҳам талайгина. Бу каби эзгу вазифаларни бажариш сизу бизга боғлиқ экан, албатта ҳар биримиз виждонан, қалб қўри, юрак меҳри билан ўзимизга топширилган вазифани бажарсак, халқимиз, Президентимиз олдида юзимиз ёруғ бўлади. Юртимизнинг эгалари бўлган ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмаган билимли, интеллектуал салоҳиятли, маънавий баркамол бўлиб тарбиялаш йўлида самарали меҳнатимизни давом эттиравемиз.

И.УСМОНОВ,
Муборак туман мактабгача ва таълими бўлими mudiri

Ўзбекистоннинг буюк давлатга айланишида таълим-тарбия ишларини оқилона йўлга қўйиш, фуқароларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Чунки тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, техникавий билимлар ва му-

таъсир кўрсатадиган асосий омил фан-техника, маданият, маърифат, таълим-тарбия,

қийёслаш, нисбатлар кўламини ҳисобга олиш педагогикада муҳим аҳамиятга эга.

ТАЪЛИМГА ЭЪТИБОР - ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



раккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикр-

ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва



ютуқларни, жаҳон мамлакатлари тажрибаларини кенг қўллашда ўрганиш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишдан иборат ҳисоб-

Сўнгги йилларда, ўқитувчилар фаолиятига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор қаратилди.

Ўткан 2023 йил юртимизда "Инсонга

бўлди. Албатта бу кўрсаткичларни жорий йилда янада ошириш, бизни асосий вазифаларимиздан бири саналади. Бугунги давр ўқитувчиси замон талабига мос, янгича методлардан, яъни замонавий ўқитиш усулининг ҳар хил турларидан фойдалана оладиган бўлиши керак деб ўйлайман.

Таълим тизимидаги ислохотлар, уларнинг мақсад ва йўналишлари мамлакатимиз ривожини асосий тамойилларидан биридир. Зеро тараққиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук, техникавий билимлар ва мураккаб технологияни эгаллаган, иродаси бақувват, иймони бутун, замонавий фикрлайдиган, юксак салоҳиятли одамлар



ҳал этади. Келажак тақдиримизга ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган асосий омил - фан-техника, маданият, маърифат, таълим-тарбия, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар борасидаги янгиликлар ва ютуқларни, жаҳон мамлакатлари тажрибаларини кенг қўллашда ўрганиш, ривожлантириш ва ҳаётга жорий этишдир.

Мирзохид ХУШМУРОДОВ,
Қўқдала туманидаги 95-сонли мактаб директори



лайдиган, юксак салоҳиятли одамлар ҳал этади. Келажак тақдиримизга ҳал қилувчи

эски мустабид тузумдан қандай таълим мерос қолгани барчамизга маълум. Зотан,

ТЎҒРИ ТАНЛАНГАН КАСБ - ЯРИМ БАХТ

Касб танлаш катта ҳаёт йўлидаги энг муҳим қадам-



дир. Инсон ҳаётда ўзини бахтли ҳис этиши учун албатта, атрофида меҳрибон, севимли инсонлар бўлишидан ташқари, ўз қизиқиши билан амалга оширадиган касб-хунарга ҳам эга бўлиши зарур. Баъзи ёшлар кўп йиллар орзу қилиб юрган мутахассислик учун олий таълим муассасасига ҳужжат топшириш дамлари яқинлашганда, "Мен келажакда шу соҳанинг мутахассиси бўла оламанми, бунга менинг

билимим ва иқтидорим етадими?" - деб ўйланиб қоладилар. Айримлар ўзларининг кўп йиллик орзуларидан ҳам воз кечиб, ҳозирги кунда долзарб аҳамиятли ўрин тутаятган соҳага қизиқиб, қутилмаганда ўз фикрларини ўзгарирадилар. Асосийси, ёшлар тўғри йўлни танлаш ўз ҳаётлари олдида жуда катта масъулиятли вазифа эканлигини яхши билишлари ва фақатгина қизиқишлари юқори бўлган касб сирларини егаллашга интилишлари зарур. Буюк ёзувчилардан бири шундай деган эди: "Ҳаётда Сиз учун энг севимли бўлган касбни танлаб ва Сиз бир умр ишга бормасиз". Ўзи ёқтирган ишни қилаётган киши вақт қанчалар тез ўтиб кетганлигини сезмай қолади, у ҳеч қачон бажараётган ишдан чарчамайди. Агар Сиз ҳозирги ёшингизда келажакда шуғулланишингиз учун касб танлаётган бўлсангиз, фақатгина бу касбдан Сизга келадиган

моддий даромадни емас, балки ундан олишингиз керак бўлган маънавий озуқани ҳам ҳисобга олинг. Борди-ю сиз аллақачон бирор касбга эга бўлсангиз, аммо бу касб Сизнинг севимли касбингиз бўлмаса, қилаётган ишингиздан завқлана олмасангиз, ўз бажараётган ишингизда хурсандчилик, маъно топишга интилинг. Бажараётган ишингиздан завқланишни ўрганинг. Агар бунинг иложи бўлмаса, касбингизни имкон қадар ўзингиз завқланиб ишлайдиган фаолият турига ўзгаришига ҳаракат қилинг. Унутманг, Сиз касбингизда жон сақлашингиз емас, балки яшашингиз керак. Шундагина қилаётган ишингиз Сизнинг ҳақиқий севимли касбингиз ҳисобланади.

Саïда ЗИКИРОВА,
Қарши тумани 33-умумий ўрта таълим мактабининг КҲЙ психологи

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК



Оилада бола тарбияси унинг гўдаклигидан бошланади. Биламизки, бола ҳаётининг кўп қисми оила даврасида кечади. Умуман, ҳар қандай оиланинг мустақамлиги, оилавий тарбиянинг таъсирчанлиги ва самарадорлиги кўп жиҳатдан оилада қарор топган ўзаро муносабатларга, уларнинг маънавий-ахлоқий иқлимига боғлиқ. Зеро, Пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)нинг

ҳадисларида айтилганидек, ота-оналарнинг фарзандларига қолдирадиган энг катта мероси уларга ўргатадиган ахлоқи ва одобидир.

Олимларнинг фикрига кўра ота-оналарнинг оиладаги масъулиятини қуйидагича белгилаш мумкин:

- болага соғлом турмуш тарзи, илк ҳуқуқий, иқтисодий билимларни бериш, ахлоқ-одоб меъёрларига ва тиббий-гигиеник талабларга риоя қилишни ўқитиб бориш;
- қизиқишларига қараб бўш вақтини тўғри тақсимлашни ўргатиш;
- спорт билан шуғуллантириш, турли ҳаракатли ўйинлар, машқлар орқали болани чиниқтириш, уни экологик ва эстетик жиҳатдан тарбиялаш;
- болаларнинг жинсини, яъни ўғил ёки қиз болалигига қараб тарбияга хос алоҳида хусусиятларига эътибор қаратиш, суҳбатлар ташкил этиш;
- дунёвий ва диний билимларни эгаллашга

жиддий эътибор бериш ҳамда болалардаги ватанпарварлик туйғуларини ўстириш мақсадга мувофиқдир.

Фарзандни қандай бўлса шундайлигича, яъни ўзининг алоҳида хусусиятлари, одатлари билан қабул қилиниши бола шахсининг такороланмаслигини, ўзига хослигини тушуниш ота-онага сабр ва масъулиятни юклайди. Фарзанд ота-она онгига улар истагандек мукамал шахс бўлмаслиги мумкин, лекин уларнинг дунёқарашини ривожлантириш, камчиликларини, хиссиётларини, ҳар бир боланинг ўзига хослигини, табиатан берилган иқтидорини сезиб тарбиялаш ота-онага юкланадиган вазифадир. Оиладаги боланинг ривожланишида, ўзига бўлган ишончнинг мустақамланишида, атрофидагиларини ҳурмат қилиш, меҳр-муҳаббат кўрсатиш ва бирдамликда ҳаракат қилишга ўргатишда уларнинг ўрни бекиёсдир. Ота-она ўз боласининг хато ва камчиликларини юзига солишдан, бошқаларга намуна қилиб кўрсатишдан қочиши керак. Шунда болада келажакка бўлган ишонч ва интилишларни таъминлайди. Болага "Сени бугунги ишинг яхши, эртага бундан ҳам яхши бўлади" - деган фикрни билдириб туриш яхши натижалар беради. Тарбиянинг бу йўли боланинг руҳий ва жисмоний саломатлигини мустақамлайди, олдига қўйган мақсади йўлида сабот билан ҳаракат қилишни таъминлайди.

Ибодат БЎРОНОВА,
Қарши тумани 33-умумий ўрта таълим мактабининг амалиётчи психологи

ҚАЙСИ ҲУДУДЛАРДА ЭЛЕКТРОМОБИЛЛАР СОТИБ ОЛИНАЁТГАНИ АЙТИЛДИ

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази 2023 йил учун Ўзбекистонда автомобил бозоридаги ҳолат бўйича шарҳини эълон қилди.

Қайд этилишича, 2022 йилда бошланган автомобиллар савдосини ошириш бўйича фаол тенденция 2023 йилда ҳам давом этди. Енгил электромобиллар сегменти 4,3 баробар кўпайиб, йил давомида энг катта фаолликни кўрсатди.

2023 йилда Ўзбекистонда 379 мингта янги енгил автомобиллар сотилди, бу ўтган йилга нисбатан 33 фоизга ўсган. 2023 йилда 333 мингдан ортиқ маҳаллий енгил автомобиллар сотилган, бу ўтган йилга нисбатан 25 фоизга кўп.

Бир йил ичида Ўзбекистонда ҳайдалган енгил автомобиллар савдоси 12,6 фоизга ўсиб, 1,16 миллион донага етди.

2023 йилда енгил электромобиллар савдоси 4,3 баробарга ошиб, 25,7 мингта электрокарни ташкил этди.

Энг кўп электромобиллар пойтахтда - қарийб 71 фоиз, энг кам электрокарлар эса Сурхондарё вилоятида сотилди - 123 та.



РЕСПУБЛИКА ХАБАРЛАРИ

ВВС САМАРҚАНДНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ "ЯНГИ ЖАВОҲИРИ" ДЕБ АТАДИ

Британиянинг етакчи ОАВ - ВВС ўз сайтида Самарқандни Марказий Осиёнинг "янги жавоҳири" деб эътироф этди.



Шунингдек, шаҳарнинг Шоҳи Зинда каби тарихий бинолари, бозорлар ва замонавийликка уйғун машҳур сайёҳлик марказлари ҳақида сўз юритилади.

ВВС муҳбири мамлакатда олиб борилаётган ислохотларни ҳам қайд этиб ўтган. Мақолада у суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, иқтисодиётни либераллаштириш ҳамда очкилик ва бағрикенглик сиёсати билан янги Ўзбекистоннинг барпо этилаётганлигини қайд этган.

Манба: Kun.uz материаллари асосида тайёрланди.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Бугунги кунда таълим соҳасини тубдан такомиллаштириш давр талабига айланган. Ўша талабдан келиб чиққан ҳолда, таълим соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонунлар қабул қилинмоқда. Ҳар бир давлатнинг равнақ топиши ривожланиши ўша давлат ёшларининг билим ва салоҳияти билан чамбарчас боғлиқ. Бугунги кун ёшларига таълим-тарбия бериш ҳар бир устозга янада катта вазифаларни юклайди.

Чунки, бугунги шиддат билан ривожланаётган бир даврда таълимга қўйилган талаб ҳам ошмоқда. Бу йўлда ҳар бир педагог замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқувчиларга таълим беришга ҳаракат қилишмоқда.



Ўзбекистонда таълимни замон руҳига мос равишда модернизация қилиш, ижобий самара бериб келаётган ҳаҳон тажрибасидан ижодий фойдаланиш орқали жамиятимизга етук, ватанпарвар, масъулиятли эл корига ярайдиган келажак авлодни тарбиялаш долзарб вазифаларимиздан биридир. Жумладан Муборак туманининг 15-мактаб педагоглар жамоаси ҳам

ҳаракатдан тўхтагани йўқ. Ҳар бир фан ўқитувчиси ўз касбига фидойилик билан ёндашиб ўқувчиларни келажакда ўз ватани равнақига ҳисса қўша оладиган фарзандлар бўлиши учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида изчил ва фаол ислохотлар тезкорлик билан амалга оширилмоқда. Сабаби таълим тизимининг сифатли ташкил қилиниши ўз-ўзидан бошқа соҳаларнинг ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Хуллас таълимни модернизация қилишда инновацион ёндашув, таълимда нафақат ўқувчилар томонидан маълум бир билим ва кўникмаларни ўзлаштиришга, балки унинг шахсияти, билим ва ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтириш зарурлигини белгилайди. Олинган билим ва кўникмаларнинг сифати кўп йиллар давомида ўқувчининг моддий ва маънавий маданият соҳасидаги қобилиятини унинг муваффақиятли ижтимоийлашишини белгилаб беради, шу сабабли ҳам жамиятда оила, маҳалла, мактаб, умуман олганда давлат таълим сифатини оширади ва ривожланишига катта ҳисса қўшади.

Гулжаҳон ЭШОНҚУЛОВА,
Муборак тумани 15-мактаб тарих фани ўқитувчиси

ҚЎШМАЧИЛИК ҚИЛИШ ЁКИ ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЖИНОЯТИ ТУШУНЧАСИ

Қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноят ҳисобланади.

Конституциямизнинг 76-моддасида давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратиши кўрсатилган. 78-моддасида эса боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг мажбурияти эканлиги белгиланган.

Ёш авлодни ҳимоя қилиш мақсадида Жиноят кодексининг 131-моддасида қўшмачилик қилиш ёки фоҳишахона сақлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 131-моддасининг 1-қисмига кўра, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик барава-ригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Фоҳишахона ташкил этиш

ёки сақлаш базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан етмиш беш баравари миқдорда жарима ёки уч олтмиш соатдан тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, базавий ҳисоблаш миқдорининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши, вояга етмаган шахсни жалб қилган ҳолда; так-роран, хавфли рецидивист ёки ушбу Кодекснинг 135 ёки 137-моддаларида назарда тутилган жиноятларни илгари содир этган шахс томонидан; уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланган.

О.ШУКУРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Қарши туман суди раиси

ПРОФИЛАКТИК ТАРҒИБОТ ИШЛАРИДА ФАОЛ БЎЛИНГ

Ёнғин хавфсизлиги тарғибот ва жамоатчилик билан ҳамкорликда гуруҳ фаолиятининг самарасини оширишда ёнғинларни келиб чиқиш сабабларига кўра таҳлил қилиш ва шу сабаблар бўйича тарғибот йўналишларини белгилаш муҳим ўрин тутди. Маълумки, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади. Бу ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси аҳоли турар жойларида содир бўлиши эса бепар-

волик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўламиз. Вилоят ёнғин хавфсизлиги хизмати Ёнғин техник маркази ходимлари ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бераётир. Бу эса олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўйди. Тарғибот ишларининг фуқароларга ёнғинлар олдини олиш борасидаги тушунти-

риш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билиш мақсад сари қўйилган илк қадам деса бўлади. Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармасида бу борада кўзлаб профилактик ишлар олиб борилмоқда.

С.АҲМАДОВ,
"Расмий меҳмонлар қабул-лар уйи"да ёнғин хавфсизлиги таъминлашни ташкил этиш бўлини маси инспектори, капитан

ҚИЗАМИҚ ЖУДА ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИК

Қизамиқ - ўткир юқумли касаллик бўлиб, тана ҳароратинининг кўтарилиши, юқори нафас йўллари, кўз шиллиқ пардалари, оғиз бўшлигининг яллиғланиши ва терида қизил, йирик доғли тошмалар топилиши билан характерланади. Қизамиқ учун мавсумийлик хос бўлиб кўз охири, қиш ва баҳор ойларида кўп учрайди, Қизамиқ билан оғриб ўтган болаларда бир умрга иммунитет қолади.

Қизамиқ манбаи шу касаллик билан оғриган беморлар ҳисобланади. Қизамиқ вируси бурун-халқум, юқори нафас йўллари, шиллиқ пардаларида бўлади. Касаллик кўзгатувчиси вирус ҳисобланиб, бемор йўталганда, аксирганда, гаплашганда тупугининг майда томчилари орқали ҳавога тушади, кейин нафас йўллари орқали соғлом боланинг организмига ўтади. Қизамиқ одатда ҳамма кишилар берилувчан бўлади, лекин кўпроқ болалар касалланади. Ҳозирги кунда эпидемиолгик таҳлил қилинганда оғриган беморларнинг 50 фоизидан ортигини бир ёшгача бўлган болалар ташкил этмоқда. Касаллик клиникаси 4 босқичда кечади. Яширин даври 6-18 кун, касаллик белгилари деярли сезилмайди. Продромол даври инкубацион даврдан кейин 3-4 кун давом этади. Касаллик ўткир бошланиб, тана ҳарорати кўтарилади, бемор қуруқ йўталади, тумов бўлади, кўзи қизариб ёшланади, товуши бўғилиб қолади, ёруғликка қарай олмайди. Бу даврда лунж шиллиқ пардаси атрофида қизил майда доғлар пайдо бўлади. Кейинги кунлари қулоқнинг орқа қисмлари терисига, 2-кун юз ва баданга, 3 кунлари қўл -оёқларга тарқалади. Боланинг дармони қуриб инжиқ бўлиб қолади, уйқуси, иштаҳаси йўқолади, ич кетиш ҳолатлари бўлиш мумкин. Тошма топиш даврида бола қайта иситмайди. Тошмалар 3-4 кунлари қорая бошлайди ва жи-

гар ранг доғларга айланади. Касал бола ўз вақтида шифохонага ётқизилиб керакли муолажаларни олмаса Зо-тилжам (ўпка яллиғланиши), томоқнинг шиши, ўрта қулоқнинг яллиғланиши (отит), ва бошқа асоратлар бериш мумкин. Қизамиқ 2 ёшгача бўлган, шунингдек бошқа ёшдаги нимжон болалар учун жуда хавфли.Шу сабабли уларни қизамиқдан жуда эҳтиёт қилиш керак. Қизамиқ билан касалланган ҳар 20 боладан 1 нафари пневмония билан касалланади, бу эса ёш болаларда қизамиқ асорати туфайли ўлимга олиб келиши мумкин.

Қизамиқ касаллигини олдини олишнинг энг самарали усули бу болаларни эмлаш режаси бўйича ўз вақтида яъни 12 ойлигида ва 6 ёшида эмлатишдир. Ҳозирги кунда вилотимизда қизамиқ бўйича эпидемиологик вазият назорат остида бўлса ҳам, қизамиқ билан касалланиш ошмоқда, шу сабабли Миллий эмлаш тақвими асосида ҳамда эпидемиологик ҳолатга қараб қизамиқ касаллигига қарши эмлаш тадбирлари олиб борилмоқда. Қизамиқ вакцинаси етарли шунинг учун фарзандларингизни саломатлигини хавф остига қўймаңг,эмлашлар Миллий тақвими асосида, ҳамда масъул тиббиёт ходимларининг кўрсатмаси билан уларни ўз вақтида эмлатинг.

Шоғдор НОМОЗОВ,
вилот СЗО ва ЖС бошқармаси олий тоифали шифокори

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари

Замонавий воқеалик диний экстремизм ва халқаро терроризмнинг салоҳияти ҳам сифат ва миқдор жиҳатдан жиддий ўсганини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида диний терроризмнинг глобал хавфсизликка йўналтирилган жиддий таҳдидга айланаётганини бугундаги воқеаликлардан кўриб, билиб турамыз. Глобаллашув жараёнлари ва йирик геосийсий давлатлар орасидаги ўзаро манфаатлар тўқнашуви ва шу билан бирга фан - техника ютуқларидан бор бўйича фойдаланиш халқаро терроризмнинг "бой озуқа"си ҳисобланади.

Диний экстремизм жамият учун аънанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомларни рад этиш, ўз гоаяларини муросасизлик ва мутаассибларча тарғиб қилишдан иборат. Марказий Осиёда қуриб олган шундай таълимотлар минтақа халқлари учун минг йиллардан бери аънанавий ҳисобланган ҳанафий мазҳаби ва мотуридия ақидасини рад қилиб, аҳоли ўртасида сиёсийлаштирилган ислом гоаяларини сингдиришга ва бу билан ёшлар онгини заҳарлаб, ўзларининг разил ва қабих гоаяларини амалга оширишда улардан ишчи курул ўрнида фойдаланишга уринмоқдалар.

Саодат ҲАҚБЕРДИЕВА,
Қарши шаҳар ИИБ ФМБ ЖКББ тезкор вакили, капитан

ШАФФОФ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР

Мамлакатимизда статистик маълумотлар сифатини яхшилаш, статистик кўрсаткичларнинг тўлақонли ва ишончли маълумотлар базасини яратиш уларни халқаро стандартларга мослаштириш, ижтимоий-иқтисодий демократик соҳаларга кенг қўламли статистиканинг замонавий усуллари муҳим омили бўлмоқда.

Хусусан миллий статистика тизимини такомиллаштиришда қуйидаги устувор йўналишлар белгиланган. Статистика органларини талаби юқори бўлган сифатли ва ишончли маълумотларни шакллантиришга статистик маълумотларни шаффофлиги ва ошқоралигини оширишга оид профессионал хизматга айлантириш илғор ахборот коммуникация технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда статистик ахборотларни йиғиш, таҳлил қилиш, нашр этиш ва сақлаш бўйича яхлит тизимни жорий этиш.

Идоравий маълумотлар базаларини ягона маълумотларини бошқариш тизимига интеграция қилиш орқали кузатувларни босқичма-босқич оптималлаштириш ва респондлардан ҳисобот юқини камайтириш, шунингдек, рўйхатга олиш ишларини ўтказиш ва ялпи статистикани шакллантириш тизимини такомиллаштириш.

Ушбу устувор йўналишлар миллий статистика тизимини яхшилаш ҳамда ривожлантиришда халқаро стандартларга мослаштиришда таянч омили бўлади.

Ф.МИРЗАЕВА,
Муборак тумани Статистика бўлими етакчи мутахассиси

ҚОНУН УСТУВОР-ЖАЗО МУҚАРРАР

Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашининг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида 2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Илёс БОЛТАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди судьяси

Мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч бу - илм-фан, таълим ва тарбия эканлиги исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир.

Чунки ҳозир замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълимнинг тарққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Жаҳоннинг етакчи давлатларида ҳам таълимни ривожлантириш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланмоқда. Зеро, мамлакатнинг келгуси равнақи айнан шу соҳада қўлга киритган ютуқлари билан чамбарчас боғлиқдир.

Албатта, мамлакатимиз таълим тизимини тубдан ўзгартириш, уни халқаро стандартларга интеграциялаш, меҳнат бозори талабига мос юқори малакали мутахассис кадрлар тайёрлаш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган ислохотлар эътиборга молик. Аммо шунга қарамай, таълим сифати борасида ўзгаришлар ҳали-ҳамон ўз натижасини кўрсатмаяпти. Таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этиш масаласи эътибордан четда қолиб кетмоқда.

Муҳтарам юртбошимиз бугунги кунда таълимдаги айрим камчиликларни танқидий таҳлил қилиб, уни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берди. Таълим тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маънавий-маърифий муҳитни замон талабига мослаш, ўқитувчи касбининг нуфузини ошириш, янги давр педагогларини тарбиялаш ҳамда профессор-ўқитувчилар учун қоғозбозликни камайтириш, соҳани рақамлаштириш орқали бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш каби устувор вазифаларни белгилаб берди.

Таъкидлаш лозимки, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатимизда таълим сифати ва самарадорлиги кўрсаткичларини оширишда айнан Финляндия тажрибаси мисол қилиб кўрсатилиши ҳам бежизга эмас. Негаки, мамлакат ўқувчилари халқаро тадқиқотларда саводхонлик кўрсаткичлари бўйича энг юқори натижаларга эришганлиги билан ажралиб турди.

Чироқчи туман мактабгача ва мактаб таълими тизимида ҳам амалга оширилаётган ишлар ислохотларга мос тарзда амалга ошириб борилмоқда. Рақамларга тўхталадиган бўлсак, Чироқчи туман мактабгача ва мактаб таълими тизимида 2023-2024 ўқув йилида 147 та таълим муассасалари фаолият олиб бормоқда.

Бундан ташқари 7 та давлат хусусий шерикчилик мактабгача таълим ташкилоти ва 262 та оилавий мактабгача таълим ташкилотлари фаолият олиб бормоқда.

Умумий ўрта таълим мактабларида 55079 нафар ўқувчилар таълим-тарбия олмақда. Уларнинг 27434 нафари (49,8%) қизлардир.

2023-2024 ўқув йилида 6230 нафар ўқувчилар 1 синфга қабул қилиниб, улар Президент совғаси билан таъминланди.

Тумандаги 26321 нафар 3-7 ёшли болаларнинг 14604 нафари (55,6%) мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган.

2023 йилда тумандаги умумий ўрта таълим мактабларини тамомлаган 3530 нафар битирувчиларнинг 2784 нафари олий таълим муассасаларига ўқиш истагини билдириб ҳужжат топширган.

Тест жараёнларида қатнашган битирувчилар ўртача балли туманда 70,73 балл бўлиб, тумандаги 10 та умумий ўрта таълим мактаб битирувчилари ўртача балли

56 баллдан паст натижа кўрсатганлиги сабабли таълим сифати паст деб белгиланган.

2023 йилда умумий ўрта таълим мактабларининг 11 синфини тамомланган 3530 нафар битирувчиларининг 1321 нафари олий таълим муассасаларига талабалikka қабул қилинган.

2023-2024 ўқув йилида таълим муассасаларида 4665 нафар педагог ходимлар фаолият олиб бормоқда. Уларнинг 2492 нафари (50,9%) хотин-қизлардир.

Ўқитувчиларни сифат таркиби бўйича таҳлил қилинганда 3329 нафари (71,2%) олий маълумотли, 682 нафари (14,6%) тугалланмаган олий маълумотли, 654 нафари (14,2%) ўрта махсус маълумотли мутахассислар ташкил этади.

2023 йилда умумий ўрта таълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўқитувчилардан 45 нафар инглиз тили, 76 нафар рус тили ва адабиёти, 105 нафар информатика ва ахборот технологиялари, 1 нафар тарих, 8 нафар математика жами 235 нафар ўқитувчилар халқаро ва миллий сертификатлар олиб устама олишмоқда.

Ўқитувчиларнинг дарс машғулоти жараёнида ахборот технологияларидан фойдаланишни кенг жорий этиш ҳамда таълим сифат самарадорлигини ошириш учун 2023 йилда 9 та (10-, 38-, 70-, 72-, 86-, 91-, 109-, 110-, 125-) умумий ўрта таълим мактабларига Хитой гранти асосида 18 дондан жами 162 дон, Республика бюджетидан

нинг Қашқадарёга ташрифларидан кейин Чироқчи туманида фойдаланиш коэффициенти юқори бўлган тумандаги 4-умумий ўрта таълим мактабга 990 ўқувчи ўрнига, 5-умумий ўрта таълим мактабга 430 ўқувчи ўрнига, 67-умумий ўрта таълим мактабга 230 ўқувчи ўрнига, 53- умумий ўрта таълим мактабга 430 ўқувчи ўрнига жами 2080 ўқувчи ўрнига мўлжалланган қўшимча ўқув биноларини 2024 йилда қуриб фойдаланишга топшириш учун қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Мактабгача таълим ташкилотларида

давлат таълим ташкилотларини (шундан, 18 таси мактабгача таълим ташкилотлари, 125 таси умумтаълим мактаблари) куз-қиш мавсумида иссиқлик энергияси билан узлуксиз таъминлаш ишларини ташкил этиш мақсадида давлат хусусий шериклик асосида хусусий секторга берилган.

Туман ҳокимлиги билан тадбиркор 1- "ДИЁР ҚУРИЛИШ" ХК: 2- "ХАЛИЛБЕК МЕЪМОР" МЧЖ: 3- "Жура БОБО" х/к: ўртасида шартнома имзоланган.

Таълим муассасаларини доимий, меъёр даражасида иссиқлик билан таъминлаш

мақсадида 7332 тонна маҳаллий кўмир ёқилгисини жамғариш режалаштирилиб, "Кўмир таъминот" МЧЖ

ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОХОТЛАР КЕЛАЖАГИМИЗ РАВНАҚИНИНГ КАФОЛАТИ



Қашқадарё филиали билан тадбиркорлар ўртасида шартномалар тузилиб, Маҳаллий кўмирни етказиб бериш ишлари амалга оширилди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда илк бор ўқитувчи мақоми алоҳида белгиланиб, таълим тизимини ривожлантириш давлатнинг бош вазифалари қаторига киритилди. Зеро, жамият ҳаётида ўқитувчининг ўрни ва таъсири ошса - мактабнинг обрўи ошади, илм-фан, таълим ва тарбия соҳасининг кадри кўтарилади. Муаллимнинг обрў-эътибори эса бу миллатнинг, бутун халқнинг обрў-эътиборидир.

Бош қомусимизнинг 52-моддасида "Ўзбекистон Республикасида ўқитувчининг меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш,

соғлом, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда тарбиялаш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини сақлаш ҳамда бойи-тишнинг асоси сифатида эътироф этилади.

Давлат ўқитувчиларнинг шаъни ва қадр-қимматини химоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилади", деб белгилаб қўйилган юртимизда ўқитувчиларга бўлган юксак эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Муболағасиз айтиш мумкинки, Асосий қонунимиз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган кенг қўламли ислохотлар ортга қайтмаслигининг мустаҳкам ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади. Зотан, янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистоннинг беш устуни, яъни суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат экани қатъий белгилаб қўйилди.

Президентимиз 8 декабрь - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунини муносабати билан халқимизга йўллаган байрам табригида ҳам ушбу масалага алоҳида тўхталди. "Янги Ўзбекистон - маърифий жамият" концепцияси асосида конституциявий таълим масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани, Парламент томонидан Конституцияни ўқиб-ўрганиш бўйича Миллий фаолият дастури қабул қилинганлигини таъкидлади.

Шу жиҳатдан, давлатимиз раҳбари айтганидек, Асосий қонунимизни ўрганишни болалар боғчасидан бошлаш, барча даражадаги таълим муассасалари, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, давлат хизматчилари ушбу жараёнга тўлиқ жалб этилиши лозим. Шунинг учун давлат хизматида ишга киришда Конституция асослари бўйича имтиҳонлар ўтказиш тизимини амалда татбиқ этишимиз зарур.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Умуман олганда, ёшлар ва таълим масаласининг Конституция даражасида янада мустаҳкамланиши мамлакатимизда ушбу соҳада амалга оширилаётган ишлар қўламини янада оширади. Албатта, бу борадаги сайёҳ-ҳаракатлар эса тизимли давом эттириляптики, натижалар ҳам шунга монанд бўлаверади.

Фарход ЖУМАНОВ,
Чироқчи туман мактабгача ва
мактаб таълими бўлими бошлиғи



дан 13 та (9-, 11-, 46-, 52-, 57-, 71-, 75-, 78-, 87-, 92-, 93-, 94-, 102-) умумий ўрта таълим мактабларига 16 дондан 208 дон, 4 та (13-, 49-, 59-, 97-) умумий ўрта таълим мактабларига 17 дондан жами 68 дон, умумий жами 438 дон ўқув компьютер техникалари олиб келиниб, дарс машғулоти жараёнида фойдаланилмоқда.

Тумандаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари қуввати 11181 нафар бола ўрнига мўлжалланган бўлиб, мактабгача таълим ташкилотларига 14604 нафар 3-7 ёшли болалар қамраб олинган.

Мактабгача таълим ташкилотлари қувватга нисбатан 3423 нафар мактабгача ёшдаги болаларни қўп қамраб олган бўлсада, нодавлат оилавий мактабгача таълим ташкилотларининг қувватига нисбатан 341 нафар мактабгача ёшдаги болалар кам қамраб олинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Сўнги йилларда ўрмон хўжалигининг ривожланишига катта аҳамият қаратилмоқда. Бунинг натижасида бир неча янги ўрмон хўжаликлари ташкил қилинди. Экологик вазиятни яхшилаш ва унинг салбий оқибатларини олдини олиш, табиатни асраб - авайлаш, бугунги кунда ўрмон хўжаликларининг асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Ўрмон хўжалиги ўрмонни ўрганиш, ҳисобга олиш, қайта тиклаш, уни муҳофаза қилиш, ўрмондан фойдаланишни тартибга солиш ишларини ҳам олиб боради. Ўрмонлар кенг маънода тоза сув сақловчи, тупроқ ва ҳаводаги намликни мўътадиллаштириб турувчи, ёғоч, иккиламчи маҳсулотлар, мевалар, доривор ва озуқа ўсимликлар берувчи манбадир.

Давлат ўрмон фонди участкалари юридик ва жисмоний шахсларга фойдаланишга берилиши мумкин. Ўрмондан фойдаланиш учун ҳақ тўланади. Тўловлар миқдори ва уларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўрмондан фойдаланиш доимий ва вақтинчалик бўлиши мумкин. Ўрмон фонди ерлари доимий эгалик қилишга бериб қўйилган ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ўрмондан доимий фойдаланувчилардир. Ўрмондан вақтинчалик фойдаланиш қисқа муддатли - 3 йилгача ва узоқ муддатли ўн йилгача бўлиши мумкин. Ўрмондан фойдаланувчилар давлат ўрмон фонди участкаларидан ўрмондан фойдаланишнинг махсус рухсатномаларда назарда тутилган турларидангина фойдаланишга ҳақлидир. 2023 йилнинг 1 январидан бошлаб ўрмон фондининг фойдаланилмаётган ерларини жисмоний ва юридик шахсларга электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериш механизми жорий этилган. Бу борадаги Президент қаро-



ри лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган. Шунингдек, 2023-2025 йилларда ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган, сув билан таъминланмаган, ўрмон билан қопланмаган ерларини ижарага олган ижарачилар томонидан ўз ҳисобидан ўзлаштириб, суғориш тизимларини жорий қилганда қуйидаги шартларда ижара тўловининг "ноль" ставкасини

қўллаш режалаштирилган: - озиқ-овқат экинлари ва доривор ўсимликлар плантациялари барпо этилганда уч йил давомида; - янгидан боғ ва тоқзорлар ҳамда тез ўсувчи дарахтлар барпо этилган майдонларга беш йил давомида. - Ўрмон фондининг чўл ҳудудларида чўл ўсимликлари ва тоғ ва тоғолди ҳудудларида ёнғоқ, мевали боғлар плантациялари барпо этилганда - ўн йил давомида. Бундан ташқари ижарага олувчининг ерни аукционда сотиб олиш қиймати БҲМнинг 100 баробаридан 200 баробаригача бўлганда 1 йил, 200 баробаридан юқори бўлганда 3 йил давомида бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Ўрмон фонди ерларидан унумли фойдаланиш мақсадида ижарага берилган майдонда капитал қурилиш ишларини олиб бориш, яъни турли бино ва иншоотлар қуриш, чорва молларини ҳайдаб боқиш таъқиқланади. Мазкур майдондан фойдаланиш билан боғлиқ вақтинчалик фойдаланиш учун енгил конструкцияли ёки йиғма бинолар ўрнатишга рухсат берилади. Республика-мизда қурилиш, бунёдкорлик шу билан биргаликда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш

ЎРМОНЛАР УМУММИЛЛИЙ БОЙЛИГИМИЗ



ишлари ниҳоятда ривожланиб бораётганлиги натижасида манзарали ноёб, қиммабаҳо дарахтлар кўчатларига бўлган талабнинг ўсиб бориши-

зиш, тегишли рухсат олмай туриб иморат солиш, ёғочни қайта ишлаш, омборлар ва бошқа иншоотлар қуриш мақсадида ўрмон фонди ерларида-

риш ва улардан унумли фойдаланиш учун ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган, концепцияда

ўрмон хўжалиги соҳасидаги хорижий тажрибалар, ўрмонларни барқарор бошқариш, гендер масалалар ва институционал ривожлантириш бўйича таклифлар, ўрмонларни бошқаришга маҳаллий аҳолини кенг жалб қилиш, ёнғоқ ва тез ўсувчи дарахтлар плантацияларини барпо қилиш, ерларни имтиёзли ижарага бериш каби тоған.



ни ҳисобга олиб, ўрмон хўжаликларида бозорбоп, харидоригир кўчатларни етиштиришга катта эътибор берилмоқда. Ўрмон хўжалиги ҳудудларида учраётган ҳуқуқбузарликлар, жавобгарлик чораларини кучайтириш, қонунбузарликлар учун жазо ҳажминини ошириш орқали ўрмон қонунчилигига тегишли ўзгаришлар киритилди. Ушбу қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига янги модда қўшилди ва унга кўра Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси органларига ўрмон фонди ҳудудларида содир этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ва жарима солиш тариқасидаги маъмурий жазо чораларини қўллаш ваколатлари берилди. Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш қоидаларини бу-

ги дарахтни кундаков қилиш, ўрмон фонди ерларида пичанзор ва яйловларни шикастлантириш, ўзбошимчалик билан пичан ўриш ва мол боқиш, дренаж тизимларини ва йўлларни йўқ қилиш ва шикастлантириш, фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса-бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Ўрмонда ва ҳатто шаҳар ҳиёбонларида ҳавонинг намлиги кўчага қараганда 15-30 фоиз юқори бўлади. Ана шундай ҳудудларни кўпайти-

Ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг вазифалари ўрмонларни муҳофаза, қўриқлаш, улардан оқилона фойдаланиш, такрорий кўпайтиришни таъминлаш ҳамда ўрмонлар маҳсулдорлигини ошириш мақсадида ўрмонга оид муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан иборат. Ўрмонлар давлат мулки - умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш лозим ҳамда улар давлат томонидан қўриқланади.

Алишер ЖУМАЕВ,
Шаҳрисабз ихтисослаштирилган Давлат ўрмон хўжалиги директори

Азиз муштарий! Воҳа газетамизнинг "Таълимдаги ислохотлар" рўқнида, вилоятимиздаги мактаб ва мактабгача таълим ҳамда олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ишлар, янгиликлар, ютуқлар билан таништириб бормоқдамиз. Бу галги суҳбатдошимиз, Қамаш туманидаги 62-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори Олим Жалилов. Суҳбатдошимиз, таълим соҳасидаги илк йиллари ва бугунги кун мактаб таълими, фаолиятидаги янгиликлар ҳақида суҳбатлашамиз.

Бугун Янги Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳалари чуқур ислохотлар майдонида айланган. Бу жараёнда ижтимоий соҳанинг асоси ҳисобланган таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида тўққинлаб сўзламасликнинг иложи йўқ. Мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим тизимининг барча босқичларини замонавий талаблар асосида ташкил этиш бўйича амалий ишлар ҳал қилувчи босқичга кирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек: "Фарзандларимиз мактабдан қанчалик билимли бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланиди, қўлаб ижтимоий муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон остонаси мактабдан бошланади десам, ўйлайманки, бутун халқимиз бу фикрни қўлаб-қувватлайди".

- Олим ака биз билан суҳбатга рози бўлганингиз учун раҳмат. Суҳбатимиз аввалида ўзингиз ва фаолият олиб бораётган таълим муассасангиз ҳақида тўхталиб ўтсангиз?

Мутахассислигим тарихчи. Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университетида тахсил олганман. Иш фаолиятимни 2000 йилдан Қамаш туманидаги 62-мактабда тарих фани ўқитувчиси лавозимида бошлаганман. Ўша вақтлар кечадек ёдимда. Янги иш бошлаган вақтларим мактабда фаолият юритиш, ўқувчилар билан ишлаш, уларга таълим беришлик, нақадар оғир вазифа эканлигини тушунганман. Ушбу мактабда сал кам 10 йил ўқитувчи бўлиб, тарих фанидан ўқувчи ёшларга дарс берган бўлсам, 2008 йилда 62-сонли умум таълим мактабиди директор лавозимига тайинландим. Ҳозиргача ушбу лавозимда фаолият олиб бормоқдаман.

Мақтабимиз 1974 йил куриб ишга туширилган. Бугунги кунда 715 нафар ўқувчилар таълим олиб келмоқда.

- Сўнгги йилларда таълим тизимида бир қатор ислохотлар амалга оширилди. Зеро мамлакатнинг эртасини сифатли ва ҳар томонлама мукамал бўлган умум таълим тизими белгилайди. Сиз таълим берадиган даргоҳга раҳбар ўлароқ бу борада фикрларингиз? Амалга оширилаётган ислохотлар қандай натижа бермоқда?

Бугунги Янги Ўзбекистонимизда бўлаётган кенг қўламли ўзгаришлар, ҳар соҳада ўз натижасини кўрсатмоқда. Мактаб таълими соҳасини оладиган бўлсак, албатта бу борада янгиликлар, ўсиш, ривожланиш бор. Келинг сизга ўзим раҳбарлик қиладиган мактабнинг кечаги ва бугунги кун ҳақида маълумот берсам. Аввалла-

ри мактабимизни моддий техник базаси ачинарли ҳолатда эди. Ўша даврлар ёдимда...! Ишимиздаги қийинчилик, ортиқча юк-

ламалар, мажбуриятлар талайгина эди. Улардан ортиб, ўзимизни ишимизга етарли вақт топа олмас эдик. Сифатли таълим бериш, болалар билан индивидуал ишлаш бир четда турсин, синфхоналаримиз шароити оғир эди. 240 ўринга мўлжалланган мактабимизда, 670 нафар ўқувчи таълим олар эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юритаётган одилона сиёсатлари натижаси ўлароқ, мактаб таълими соҳасида изчил ишлар амалга оширилди. Шу жумладан ушбу ислохотлар, янгиликлар, мен раҳбарлик қилаётган мактабга ҳам кириб келди. Умум таълим мактабларининг моддий техник базасини яхшилаш мақсадида, 62-сонли мактабимиз ҳам давлат дастурига тушиб, 6.5 миллиард сўм пул маблағи ажратилди. Бу маблағлар эвазига мактабнинг эски 240 ўринли биноси мукамал таъмирдан чиқарилиб, қўшимча 420 ўринли замонавий мактаб куриб битказилди. Бугунги кунда мактабимиз жуда қулай шарт-шароитларга эга. Жумладан физика ва кимё лаборатория, биология, информатика, хорижий-тил, технология барча синфхоналари замонавий жиҳозланди. Назаримда бу ислохотларни бошланиши.

- Дарҳақиқат олис ҳудудлардаги умум таълим мактабларининг моддий техник базалари яхшиланиши, замонавий шароитларни яратилиши давом этмоқда. Лекин яна бир жиҳат, яъни бу таълим сифати. Сизда таълим сифатини ошириш борасида нималар қилинмоқда? Натижалар қанақа?

800 га яқин таълим муассасасига қайта тикланувчи қуёш электр панеллари ва қуёш сув иситиш

Ўтган 2023 йилнинг 20 январь кун Президент Шавкат Мирзиёев мактабларда хорижий тиллар

ўқувчиларини камида иккита хорижий тил ва битта касб-хунарга ўргатиш устувор вазифа этиб белгиланган эди.

Бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, сўнгги йилларда таълимга, ўқитувчиларга эътибор ошди, олий таълимда қабул сони ва йўналишлари кўпайди. "Мактабдан касб ва тилни билиб чиққан бола жамиятимизнинг катта ютуғи, билмагани муаммо", - деган эди Президентимиз Мирзиёев.

Бу борада ҳикоя қилаётганимиз 50-сонли умум таълим мактабиди ҳам салмоқли ишлар кўзга ташланади. Ўқувчиларга хорижий тилларни ўқитиш, тилларни ўргатишда замонавий методлардан фойдаланилмоқда. Албатта бунда малакали педагогларга эҳтиёж сезилади. Мактабда нафақат ўқувчилар, балки инглиз тилини яхши биладиган бошқа мутахассисликка эга ўқитувчилар ҳам бор. "Инглиз тили ўқитувчим Элеанора Норкулова ана шундай маҳоратли педагоглардан бири саналади. У кетма-кет IELTS имтиҳонидан 7 ва 7,5 натижаларни қўлга киритди. Биология фани ўқитувчиси Гулчехра Қувватова эса инглиз тили CEFR имтиҳонидан В2 натижани қўлга киритган.." дея айтиди мактаб директори ўз сўзи давомида.

Мактабда 32 нафар ўқитувчилар фаолият юритади. Бир неча хорижий тиллардан қўшимча дарслар, тўғарак машғулоти йўлга қўйилган. Ушбу машғулоти-

давлатов Тўлқинни қўшни вилоятдан ишга қабул қилдик. Бу педагогларимиз ўз устидарида тинмай иш олиб бормоқдалар. Тил ўргатиш ва сертификатларга эга бўлишда ўқувчиларимиз билан қўшимча тўғараклар ташкил этиб фаолият юритмоқдалар.

- Битирувчи ўқувчиларингизни олий таълимга кириши ва бу йўсинда қилинаётган ишлар, рақамлар билан таништирсангиз?

Мақтабимизни битирувчиларини олий таълимга кириши, иш билан бандлигини таъминлаш борасида ҳам йилдан-йилга салмоқли ишлар олиб бормоқдамиз. 2022-2023 ўқув йилида ҳам 48 нафар битирувчимиздан 10 нафари давлат олий таълимида, 6 нафари нодавлат олий таълимида тахсил олаётган бўлса, 12 нафар битирувчимиз иш билан бандлиги таъминланган.

- Ўқитувчилик касби бошқа касбларга қараганда анча масъулиятли ва машаққатли касб саналади. Таълим соҳасида сиз билан гаплашадиган, масалаларимиз ҳали анчагани. Суҳбатимиз сўнггида келгусидаги режаларингиз билан бўлишсангиз.

Биз педагог ва ўқитувчиларнинг олдимизда режалаштираётган ишларимиз кўп. Жумладан, ўқувчиларимизни "Ал-Хоразмий" олимпиадасида муваффақиятли иштирокини таъминлаш, ҳар ўқув йили вилоят ҳокимимиз Муроджон Азимовнинг ташаббуси билан ташкиллаштирилаётган, умум таълим фанлар бўйича вилоят ҳокими совринига тайёргарлик, 5 та муҳим ташаббус доирасидаги барча мусобақаларда иштирок этиш, олий таълимга кириш кўрсатгини ошириш кабилардир. Мактаб раҳбарлари, педагогларимиз олдида ҳам синовли паллалар турибди. Мактаб раҳбарлари, ўринбосарларини сертификатлаштириш тизимида муваффақиятли иштирок этиши, педагогларимиз янги таҳрирдаги низом асосида тоифа малакасини олиш каби синовларда омад тилайман!

Зиё Нур суҳбатлашди

Дарҳақиқат, таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар Ўзбекистонда Учинчи Ренессансга пойдевор бўлади. Шу сабабли ҳозирда мамлакатимизда узлуксиз таълимни такомиллаштириш, фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, юқори малакали педагог кадрлар тайёрлашни тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим-тарбиянинг бошланғич бўғини бўлган мактаб таълими тизимидаги ўзгаришлардан барчамиз яхши хабардоримиз.

Янги турдаги таълим масканлари, хусусан, Президент мактаблари, ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар фаолияти йўлга қўйилди. Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ахборот хизмати раҳбари Дилфуза Собирова томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, ўтган 2023-йил давомида умумтаълим мактаблари сони 10 минг 163 тага, нодавлат умумтаълим ташкилотлари сони 449 тага етказилди. 37 та мактаб филиалига умумий ўрта таълим мактаби мақоми берилди. 700 минг нафарга яқин бола 1-синфга қабул қилинди.

Инвестиция ва бошқа қўшимча дастурлар доирасида 563 та мактабда қуриш-таъмирлаш амалга оширилди ва 120 мингга яқин янги ўқув ўрни яратилди. Қарийб 115 минг ўринли ўқув бинолари мукамал таъмирланди. 1 минг

МАКТАБ - ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ БОШЛАНҒИЧ БЎҒИНИ

қурилмалари ўрнатилди. 53 та мактаб узлуксиз тоза ичимлик суви билан таъминланди. 1-синф ўқувчилари учун "Информатика ва ахборот технологиялари" фани жорий этилди.

Ҳа, умуман олганда бошланғич таълим, мактаб таълимини ривожлантиришда катта ишлар олиб боришмоқда. Бунинг биргина исботини Саломат Даминова раҳбарлик қилаётган, Косон тумани мактаб ва мактабгача таълим бўлимига қарашли 50-сонли умумий ўрта таълим мактаби мисолида айти олишимиз мумкин. Мактабга 2011 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган Саломат Даминова "Воҳа газетаси" билан суҳбати давомида, айна пайтда 258 нафар ўқувчилар таълим олаётганини билдирди.

"Ўқувчиларимизни ҳар томонлама зукко ва билимли қилиб камол топтиришда астойдил меҳнат қилмоқдамиз..", - дейди таълим муассаси директори.



ва касб ўргатиш тизимини ривожлантириш масалалари бўйича кенгайтирилган йиғилишида ва қолаверса, ўзининг халқимизга бўлган мурожаатномасида "ижтимоий давлат" тамойилига алоҳида эътибор қаратган эди. Айнан, "Ижтимоий давлат бу, энг аввало, инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш учун тенг имкониятлар, одамлар муносиб ҳаёт кечиришига зарур шароитлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, демакдир", деган эди давлат раҳбари.

Бунга эришишнинг асоси эса биринчи навбатда, таълим. Шу боис Мурожаатномада мактаб



Зиё Нур "Воҳа"

ДИРЕКТОРЛАР БИЛИМИ СИНОВДАН ЎТКАЗИЛДИ

Муҳтарам Ҳуртобшомизнинг ёшларнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг билим олиши йўлида собитқадам бўлиши билан



бир қаторда ўқитувчи ва мураббийларнинг ўқувчиларга сифатли таълим бериш бора-сида нечоғлик аҳамият касб этишларига эътибор қаратмоқдалар. Жумладан, кадрлар тайёрлаш ўқув курслари, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш мақсадида виллоят малака ошириш институтлари ташкил этилган. Жорий йилнинг 19 январь куни Касби тумани 7-умумий ўрта таълим мактабида чет тили ўқитилиши ва касб-хунар ўргатишга қаратилган тадбир бўлиб ўтди. Шу билан бирга туман мактаблари директорларининг ўқув семинари ҳам ўтказилди.

Семинарда мактаб ўқувчилари томони-дан инглиз ва немис тилларида шеърлар, сахна кўринишлари ва куй-қўшиқлар ижро этилди. Бундай ажойиб куй-қўшиқлар томошабинларга хуш кайфият бағишлабгина қолмай, тадбиримизнинг кўрқига кўрк қўшди десак адашмаган бўламиз. Семинар давомида туман мактабгача ва мактаб таълим директорларини билим даражаларини янада ошириш ва синовдан ўтказиш мақсадида тест олинди. Тест жараёнида туманимиздаги 61 та мактаб директорлари ва 30 та мактабгача таълим мудирлари фаол қатнашишди ва тест натижалари электрон тарзда аниқланди. Ўтказилган тестимиз мактаб ва мактабгача таълим муассасалари директорларининг ўз устида ишлашига хизмат қилади.



Шаҳзод ТОШПҲЛАТОВ,
Касби тумани
7-мактаб директори

МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ АХБОРОТГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар қаторига ҳақиқий ва бўлғуси инвесторлар, кредиторлар, маҳсулот етказиб берувчилар,



ҳаридорлар, ходимлар, шунингдек ҳукумат муассасалари, вазирликлар, идоралар, жамоатчилик ва бошқа манфаатдор фойдаланувчилар кирди. Молиявий ҳисобот ахборотида бўлган талаб қуйидагиларда вужудга келади:

Кредитлари ва фоизлари ўз вақтида тўла-нишини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор кредиторларда;

Суммалари ўз вақтида тўлалигини аниқлашга имкон берадиган ахборотдан манфаатдор бўлган маҳсулот етказиб берувчилар ва бошқа савдо кредиторларида;

Ҳўжалик юритувчи субъектнинг узлуқсиз фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган харидорларда, айниқса улар узоқ муддатли битимга эга бўлсалар ёки мазкур ҳўжалик юритувчи субъектга боғлиқ бўлсалар;

Улар ҳам ҳўжалик юритувчи субъектнинг ўз иш ҳақларини, пенсияларини ва кейинчалик ҳам ёллаш бўйича ишлаш имкониятларини таъминлаш қобилиятига баҳо бериш имконини яратадиган ахборотдан манфаатдордирлар.

Ресурсларнинг тақсимланиши ва бинобарин, субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотдан манфаатдор бўлган давлат бошқаруви органларида. Уларга ҳам ҳўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини тартибга солиб туриш, солиққа тортиш сиёсатини белгилаш учун ва миллий даромад-ни ҳамда бошқа статистик маълумотларни аниқлаш учун асос сифатида ахборот керак.

Отабек ХОЛМУРОДОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодий институт, Бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси катта ўқитувчиси

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧА

Аҳоли сонини рўйхатга олиш мамлакатда яшовчи барчага тегишли бўлган демографик, иқтисодий ва ижтимоий маълумотларни йиғиш, умумлаштириш, баҳолаш, таҳлил ва эълон қилишнинг ягона жараёнидир. У аҳоли тўғрисидаги маълумотларнинг асосий манбаи бўлиб, келгуси 10-20 йиллик ривожланишнинг прогност кўрсаткичларини ҳисоблаш учун ишончли пойдевор яратади. Аҳоли миграцияси тўғрисидаги маълумотлар шакллантирилади. Ўз навбатида, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли ишлаб чиқишда ахборот тарзида фойдаланилади. Аҳоли сонини ишончли ҳисоблаш бўйича расмий статистика тизимида асосий роль ўйнайди.

Аҳолини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказил-диган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифла-рини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

аҳолини рўйхатга олиш санаси - аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга ошири-ладиган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

респондентлар - аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Респу-бликаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекис-

тон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

рўйхатга олиш варағи - кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка;

рўйхатга олиш ҳужжатлари

идагилардан иборат:

аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш, хотин-қизлар ва болалар яшаш шарт-шароитларини яхши-лаш, оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича чоралар-ни ишлаб чиқиш мақсади-да аҳоли таркибидаги, мамлакатнинг демографик вазиятдаги ўзгаришларни баҳолашга доир маълумот-



- аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

рўйхатга олувчи ходимлар - Ўзбекистон Республикаси-нинг аҳолини рўйхатга олиш-га тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

уй ҳўжалиги - битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нар-салар билан таъминлайдиган, умумий ҳўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлайдиган шахслар йиғин-диси. Бу шахслар қариндош-лик муносабатларида бўлиши ёки бўлмаслиги мумкин. Уй ҳўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

Аҳолини рўйхатга олиш-нинг асосий вазифалари қуй-

лар базасини кенгайтириш; шаҳарларни ва бошқа аҳоли пунктларини ижтимоий-иқтисодий ривож-лантиришнинг, меҳнат ре-сурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдала-нишнинг узоқ, ўрта ва қисқа муддатли прогностлари ҳамда дастурларини тайёр-лаш; аҳолини рўйхатга олишлар оралиғидаги даврда аҳоли сони ва тар-кибининг жорий ҳисобини, ҳисоб-китобларини ҳамда прогностларини амалга ошириш; ижтимоий-иқтисо-дий ривожлантириш маса-лалари бўйича илмий тад-қиқотларни ўтказиш.

Сардорбек ХУРРАМОВ,
Қашқадарё вилоят статистика бошқарма-си рўйхатга олиш жа-раёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўли-ми етакчи мутахассиси

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Табассум маҳалласи А.Темур кўчаси 40-уйда жойлашган "QASHQADARYO VILOYAT PERINATAL MARKAZI"га тегишли лицензия йўқотилган-лиги сабабли

БЕКОР ҲИСОБЛАНАДИ.

ОНАЖОНИМ

Қайдасиз онажоним,
Қайдасиз меҳрибоним.
Кўзларимнинг гавҳари,
Қайдасиз хушзабоним.

Соғинч куйин чаламан,
Кўзларимда жикқа нам.
Сўзлари хушзабоним,
Қайдасиз, эй ягона.

Соғинч қалбим тирнайди,
Мени ҳижрон қийнайди.
Онажон ёнимизда -
Қани энди бўлсайди.

Меҳрибоним, эй онам,
Сиз дунёда ягона.
Мудом олдимда туриб,
Эркаланг деб жон болам.



Албина БЕРДИНАЗАРОВА,
Косон туманидаги 15-ўрта мактабнинг
5-синф ўқувчиси

ОНАМНИ АСРА РОББИМ

Бўйим ундан бўйлаган,
Ширин сўзлар сўйлаган,
Доим бизни ўйлаган,
Онамни асра Роббим.

Ўзи емай едирган,
Она меҳрин тўйдирган,
Оллоҳимни суйдирган,
Онамни асра Роббим.



Афрузахон АЗАМАТОВА,
Касби тумани 19-мактаб
7-синф ўқувчиси

БАҲОР

Баҳор келса
ўлкамга,
Қушлар куйин
бошлайди.
Салом бериб
кўкламга,
Баҳорни олқиш-
лайди.

Дошқозонда
сумалак,
Биқир -биқир қайнар хўп.
Жилмайиб боқар фалак,
Баҳорнинг сирлари кўп.

Хосиятбону МАҲМАДУЛЛАЙЕВА,
Касби тумани 58-мактаб
8-синф ўқувчиси

БОЛАЛИК

Болалик энг ши-
рин туйғу,
Боримни ҳам
бергим келади.
Гўёки у бахт
эрур мангу,
Қувончимсан
дегим келади.

Маили мени бо-
римни олинг,
Болалигим бер-
гим келмайди.
Парижларга борсам ҳамки мен
Болаликдан кетгим келмайди.



Райҳона АБДИМЎМИНОВА,
Касби тумани 19-мактаб
10-синф ўқувчиси



**Маънавий-маърифий,
ижтимоий-оммабоп нашр**

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 0811 - рақам билан 02.02.2012 йилда рўйхатга олинган.

Газета «Photo Express» ИЧКда офсет усулида 150 нусхада чоп этилди. БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.

Бош муҳаррир:
Сарвиноз ХУСАИНОВА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Келажақ интернет телерадиокомпанияси

Навбатчи муҳаррир:
Инобат САФАРОВА

Газета Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

e-mail: gazeta.voha@mail.ru

Саҳифаловчи:
Ахрорбек ШУХРАТОВ

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади. Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET материалларидан фойдаланилди.

Таҳририятга келган кўлғезмаларга жавоб ёзилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Муассис: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ Газета муассис компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Қаршида: 180018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 22-уй, 1-қават.

ТЕЛЕФОН:
+99875 227-50-04

РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:
+99890 517-50-05


Нашр индекси - 659. Топширилди: 19.00. Босишга топшириш вақти: 21.30. Буюртма № . Ҳажми 2 босма табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6



16+

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗ

"Таълимни тарбиядан-тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди", деган гап сўзлари замирида олам-олам маъно борлиги тарбиячиларимизни ўз



устиди кўпроқ ишлашни тақозо этади. Бизнинг тарбиявий иш системамиз шундан иборатки, бола шахс фикрлари ва ишлари дунёсида яшайди, бу ишлар ва улар тўғрисидаги фикрлар - боланинг хурсанд ва хафа бўлишининг асосий манбаидир. Қарши шаҳридаги 11-ДМТТда 180 нафар болалар тарбияланиб шулардан 13 нафари имтиёзли тўлов асосида

тарбияланмоқда. 6 та гуруҳ 16 нафар педагог ва тарбиячи ёрдамчилар фаолият олиб боради. Давлат байрамлари болажонлар томонидан зўр қизиқиш билан тайёрланади. Тайёрлов ва катта гуруҳ болажонларидан Шахризода Йўлдошева, Зарина Қудратова, Шахрам Зафаров ўз истеъдодларини намоиш этиб ўз тенгдошларига ўрнатилмоқдалар. Ҳар йили вилоят ва шаҳар миқёсида ташкил этилаётган тадбир ва мусобақаларда Гулчирай Ҳақимова, Дилафрўз Ражабова, Лайло Холмоновалар иштирок этиб энг юқори ўринларга эга бўлишди. Болажонлар таълим тарбиядан ташқари воҳамиз бўйлаб саёҳат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилиб берилмоқда. Ҳар ойда барча гуруҳларда бадий кечалар расм чиқиш савол жавоб асосида тадбирлар ташкил этилиб борилади. Ўз билим салоҳиятига эга болажонлар эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Фарзандларимизга ўз келажагига пойдевор қўйиши учун имкон беришни унутмайлик.

Умида ШОДИЕВА,
Қарши шаҳар 11-ДМТТ директори

Биз дунёдаги энг тинч, энг оқилом ва инсон қадр-қиммати юксак баҳоланадиган мамлакатда яшаймиз. Бу юртининг одамлари бахт нима эканини жуда яхши билади. Бугуни эртаси ва ундан кейинги ҳаёти ҳақида бемалол орзулар қилади, катта режалар тузади, фарзандлари камолини кўзлаб

ЯНГИЛАНИШ ЮКСАЛИШ



34-ДМТТда жами 180 нафар бола тарбияланиб шулардан бир нечаси мажбурий таълим гуруҳларида таълим тарбия олмақда. Ҳар бир педагог тарбиячилар янгилик яратиб, ёрдамчи тарбиячилар узлуқсиз ўқув ишларини ташкил этмоқда. Тарбияланувчи болажонларни ота-оналари билан доимий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Шу билан бирга мактаб-гача таълим ташкилотлари педагоглари томонидан ҳар куни мавзуй режалар бўйича машғулотлар ўйинлар ва тавсиялар берилмоқда. Тарбиячи педагоглар ёрдамчи тарбиячилар ўртасида турли билимлар беллашуви ташкил этилиб уларни хорижий тилларни ҳам пухта ўрганишларига замин яратмоқда. Миллий қадриятларимизни болажонлар онгига сингдиришда қўл меҳнат намуналари ҳам ташкил этиб берилмоқда. Ўзаро савол-жавоблар асосида тил ўрганишга осонроқ эришилмоқда. Турли байрам тадбирлари болажонлар иштирокида ташкил этилмоқда. Муассасамизда ҳам болажонларга кунт билан таълим тарбия бериш, юксак билим чўққисига олиб чиқиш, ҳар бир бола ўз қизиқиши дунё қараши билан келажақда битта касб соҳиби бўлиб ўқиб ўрганади ва тарбия топади.

Шахноза ОМОНОВА,
Қарши шаҳар 34-ДМТТ директори

ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШ БИЗ ПСИХОЛОГЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗДИР

Дунёда минглаб одамлар бор шу билан бирга касблар ҳам кўп, уларнинг ҳаммаси ҳам керакли ва қизиқарлидир. Аммо ҳар бир киши ўзининг табиий тўғма қобилияти ва мойиллигига энг мос келадиган касбни танлаши лозим, яъни ўзининг сеvimли касбини топиши шарт. Мактабларда ўқувчиларни Республикадаги мавжуд касб-ҳунар турлари билан таништириш, касбларнинг асосий жиҳатлари ҳақида аниқ тасав-

ишлагга эътибор бериш, ҳар бир ўқувчининг шахсий хислатлари ва имкониятларига мос бўлган машғулоти ўрганишига қаратилиши шарт деб ҳисоблайман. Мактаблардаги касбга йўналтирувчи психологларнинг



вазифаси ўқувчиларни касбга йўналтириш мақсадида мактаб ўқувчисининг шахсини ўрганиш, касб диагностикаси жараёнида ўқувчининг хусусиятлари, қизиқишлари, талаб эҳтиёжлари, касбий ниятлари, темпераменти соғлиги ўрганилади. Касб ҳақида маслаҳат бериш шахсий психолог хусусиятлар, касбнинг ўзига хос хусусиятларига мос бўлишини англашни мақсад қилади. Мактабларда ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари бўйича ўтказиладиган тадбирлар ишчи касблар бўйича кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш, ёшлар ва хотин-қизларда замонавий касб ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш бўлиб ўрта таълим мактабларида "Касбий билим ва маслаҳат ойлиги" асосида касб соҳалари доирасида ҳар ўқув йили давомида

ташкил этиш белгилаб берилган. Корхоналарга саёҳатга борилиши натижасида ўқувчиларни ушбу корхоналар шарт-шароитлари ва ишлаб чиқариш касб эгалари фаолияти билан танишишлари ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларидан келиб чиқиб келажақда эгаллайдиган касблари бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари шарт-шароитлар яратди. Ўқувчилар касб эгаларининг фаолияти билан танишув жараёнида ушбу соҳанинг сирлари, ва ютуқ камчиликларини билиш мақсадида

ўзларининг қизиқтирган саволларига берилган жавоблар асосида керакли маълумотларга эга бўладилар.

Бундан ташқари ўқувчиларда турли касбларнинг ўзига хос хусусиятлари уларнинг келиб чиқиши ва мақсади ҳақида дастлабки маълумотларни ўзлаштириш кўникмаларини ривожлантиришга, жамиятнинг асосий қадриятларига (инсон, табиат, тинчлик, билим, меҳнат, маданият) ижодий муносабатини шакллантиришга, шунингдек уларнинг коммуникатив, ахлоқий ва ижтимоий ваколатларини шакллантиришга эришилади.

Юлдуз АЛМАРДАНОВА,
Қашқадарё вилояти
Шахрисабз шаҳар мактаб-гача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидagi 16-умумий ўрта таълим мактабининг касб-ҳунарга йўналтирувчи психологи

БОЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Болалар дунёси билан яшамоклик мўжизалар оламига етаклайверади

Айниқса болажонларга олам-олам қувонч афсонавий эртақлар оламига чорловчи янги йил биз катталарни ҳам ҳайрат ва ҳаяжонга солади. Қалин қорлар билан қопланган аёзли совуқ бўронлардан, совға-саломлар билан ўлкамизга кириб келаётган қорбобо ва қорқизларнинг безатилган арча байрами шодийе наларни уларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Янги йил яқинлашавергач ўша эртақ қаҳрамонлари-ю яралиши мўжизаларга бой, тулки, қуён, тоғлардек савлат кериб юрвчи айикполвон, ўрмон қироли шер, ҳайвонот оламининг маликаси олмахон болажонлар кўз ўнгига гавдаланиб, уларга эртақнома саргузаштларни йил давомида ҳаёда этаверади. Ана шундай эртақ қаҳрамонлари қорбобо ва қорқиз иштирокидаги янги йил байрам тадбири Қарши шаҳар 14-ДМТТда ўрта гуруҳ тарбияланувчилари томонидан ташкил этилди. Турли-туман безаклар билан безатилган арча атрофида болажонлар тўпланишиб, байрамона либосларида янги йил байрамига бағишлаб, куй-қўшиқлар, рақс сахна кўринишлар намоиш этдилар.



Байрам тадбири болажонларнинг ота-оналари ҳамкорлигида тайёрланди. Байрам тадбирида иштирок этган 14-ДМТТ директори Ирода Ибрагимова азиз болажонларни, тарбиячи педагоглари, қўллаб-қувватлаб ва уларга ҳомийлик қилган меҳридарё ота-оналарга самимий миннатдорчилик билдириб барчани янги йил билан табрикледи.

Байрам тадбири сўнггида болажонларга қорбобо ва қорқиз томонидан совғалар тақдим этилди. Янги йил байрами болажонларга битмас туганмас шодликлар олиб келаверсин.

Вера ТИМБОЛ,
Қарши шаҳридаги 14-ДМТТ ўрта гуруҳ тарбиячиси

ЎҚУВЧИЛАР ТАЪЛИМ ТАРБИЯСИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан шакллантиришда самарали шакл, метод ва воситалардан фойдаланиш бой миллий маданий, тарихий ва педагогик анъаналар, урф - одатлар ва умумбашарий қадриятларга асосланади. Ушбу мақолада ўқувчиларни маънавий ахлоқий тарбиялашда педагогик тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти ҳақида бир қатор маълумотлар берилган.

Тарбиявий тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тадбирларни ташкил этишда маънавий, ахлоқ инсон онгининг шакли, инсон маданиятининг бир қисми эканлиги ҳақидаги тушунчага эга бўлиш назарда тутилади. Маънавият ва ахлоқнинг моҳияти, унинг меъёрлари ва тамойиллари мазмунини тушуниш ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан фикр юритишларига имкон беради. Натижада улар ўзлари ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларини ана шу нуқтаи назардан баҳолайдилар. Лекин маънавий-ахлоқий меъёрлар ҳақида билимга эга бўлиш ва уни тушуниш ҳали эътиқодни фаолиятга айлантиради деган гап эмас, маънавий-ахлоқий билимлар қачон ҳаётий тажрибаларда қўлланилиб, ўқувчилар томонидан уларнинг фаолиятида намоён бўлгандагина шаклланган дейиш мумкин. Маънавий-ахлоқий тарбия тизимида маънавий-ахлоқий ҳис-туйғулар инсон томонидан, унинг воқеа-ҳодисалар, кишилар ҳамда ўз хулқида нисбатан ҳис-туйғуларни уйғотишга рағбат пайдо қилувчи тарбиявий ишлар

тизимли ташкил этилгандагина самарали кечади. Мазкур тизимда хулқ-



атворни шакллантиришга оид тарбиявий ишлар акс этади. Жамият тараққиётида тарбиянинг ўрни беқийс. Инсонни тарбиялаш, уни билим олишга, меҳнат қилишга ундаш ва унинг хулқ-атворини босқичма-босқич малакага айлантириш ва асосий компетенцияларни шакллантириш зарур. Бугунги кунда таълимнинг замонавий модели жамиятда эркин фикрловчи шахсни шакллантиришга олиб келмоқда.

Нигора ЗИДУЛЛАЕВА,
Қарши туман 2-сон касб-ҳунар мактаб тарих фани ўқитувчиси

ҚИШЛОҚ-ХЎЖАЛИГИ ҲАЙВОНЛАРИДАН ОЛИНАДИГАН ОЗУҚАЛАР



Қишлоқ-хўжалиги ҳайвонларидан олинадиган озуқалар айрим сабабларига кўра ўсимликлар дунёсидан олинадиганларга нисбатан бир қанча фарқ қилади. Сабаби уларнинг таркибида клечатка ва бошқа моддалар йўқлиги билан ажралиб туради. Энг муҳим жиҳатларидан бири бу - ҳайвонот дунёсидан олинадиган озуқалар ҳаёт учун жуда зарур. Чунки унда ўрни алмашмайдиган бир қанча аминокислоталар масалан: лизин, метионин, триптофан кабиларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ҳайвонлардан олинадиган озуқалардан омухта ем саноатида қуритилган балиқ чиқиндиларидан балиқ уни ҳолатида, гўштхона ва гўшт корхоналари чиқиндиларидан гўшт суяк, қон уни ва техник ёғлар кўринишида фойдаланилади.

Сут маҳсулотлари: Бугунги кунга келиб аҳоли томонидан истеъмол қилинадиган сутнинг 95% га яқинини сигир сути ташкил этади. Сут асосан, минерал моддалардан кальций, калий, натрий, магний, фосфор, темир ва бошқа тузлардан иборат бўлади. Сутнинг таркиби доимо бир хил бўлавермайди чунки унда сугирнинг ёши ва наслига, парвариш қилинишига, боқиб турига, соғилиш даврининг давомийлигига ва бошқа хусусиятларига боғлиқ бўлади. Стериллаш жараёнлари ўзига хос махсус автоклавда 103-104 дан 11&123 С гача бўлган ҳароратдаги босим остида ўтказилади. Бундай сутларни табиий уй шароитида фақатгина 10-15 кун давомида сақлаш мумкин.

Озода ПАНЖИЕВА,
"ТИҚХММИ" миллий тадқиқотлар университети Қарши ирригация ва агротехнологиялари институти Чорвачилик ва Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети Қишлоқ хўжалиги механизациялаш йўналиши 4-босқич талабаси

